

«O'zkimyosanoat» AJ  
ягона акциядорининг  
2021 йил 11 майдаги  
3-сон карори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»



**«O'ZKIMYOSANOAT»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ  
ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ  
(ЯНГИ ТАҲРИР)**

Тошкент – 2021 йил

## **I - бўлим. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишларининг баённомалари билан (11.02.2016 й. 02-02/1-187-сон) ва (27.04.2018 й. 24/1-989-сон) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига ва «Ўзкимёсаноат» АЖ (матн бўйича Жамият) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси мақоми, вазифалари, ҳуқуқлари (ваколатлари) ҳамда мажбуриятларини, аъзоларини сайлаш ва уларни ишлаш тартибини белгилайди.

## **II - бўлим Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий мақоми**

2.1. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг органи ҳисобланиб, Жамият, унинг бўлинмалари ва хизматлари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия-хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш вазифаларини амалга оширади.

2.2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида давомида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатларига, Жамият уставига, мазкур низомга ва Жамиятнинг бошқа ҳужжатларига амал қиласди.

2.3. Молия-хўжалик фаолияти ҳамда бухгалтерия ҳисобини таҳлил қилиш бўйича етарли билим, савия ва тафтиш иши усулларига эга шахс тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин.

## **III - бўлим. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини тугатиш**

3.1. Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63- ва 65-моддаларига ҳамда Жамият уставига мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Тафтиш комиссиясига номзодлар киритиш таклифи ёзма равища Жамиятнинг манзилига почта орқали юборилади ёки Жамият девонхонасига топшириллади. Таклиф киритилган сана почта орқали юборилган ёки Жамият девонхонасига топширилган сана бўйича аниқланади.

Таклиф акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади, вакил томонидан имзоланган ҳолларда вакилнинг ишончномаси илова қилиниши шарт.

Агар ташаббус юридик шахс – акциядор томонидан чиқсан бўлса, юридик шахс вакилининг имзоси (юридик шахснинг уставига асосан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган вакил) юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланиши шарт. Агар таклиф юридик шахснинг номидан ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил томонидан имзоланган бўлса, таклифга ишончнома илова қилиниши шарт.

3.3. Тафтиш комиссияси уч кишидан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишида Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан бир

йил муддатга сайланади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаши мумкин эмас. Тафтиш комиссияси сайлови ҳар бир номзод бўйича алоҳида овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Айни бир шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.4. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан тафтиш комиссияси раиси ва котибини сайлайди. Тафтиш комиссиясининг раиси ва котиби тафтиш комиссиясига сайланган шахслар ичидан тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақли, тафтиш комиссиясидан чиқиб кетган аъзоларининг овозлари бундан мустасно.

Тафтиш комиссияси ўзи хоҳлаган пайтда раис ёки котибни тафтиш комиссиясига сайланган шахслар ичидан тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақли, тафтиш комиссиясидан чиқиб кетган аъзоларининг овозлари бундан мустасно.

3.5. Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз хоҳишига кўра истаган пайтида, тафтиш комиссиясида ўз фаолиятини тўхтатиш кунидан бир ой олдин Жамият тафтиш комиссияси ва Кузатув кенгашини огохлантирган ҳолда тафтиш комиссияси таркибидан чиқишга ҳақли. Бу ҳолда акциядорлар умумий йиғилишининг мажлисида тафтиш комиссияси аъзоси алмаштирилади.

3.6. Агар тафтиш комиссияси аъзоси тугатиш комиссияси таркибига кирса, Кузатув кенгаши ёки Бошқарув аъзолигига сайланса (тайинланса) ёхуд Жамиятда меҳнат шартномаси асосида иш бошлаган бўлса, тафтиш комиссиясидаги фаолиятини тўхтатиши лозим. Бу ҳолда акциядорлар умумий йиғилишининг яқин орадаги мажлисида тафтиш комиссияси аъзоси алмаштирилади.

3.7. Тафтиш комиссияси аъзоси ёки барча аъзоларининг ваколатлари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қўйидаги ҳолатларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

3.7.1. узрли сабабсиз тафтиш комиссиясининг ишида уч мартадан ортиқ қатнашмаганлиги;

3.7.2. текшириш ўтказилганда тафтиш комиссияси аъзолари (аъзоси) текширишга алоқадор бўлган масалага доир тегишли ҳужжатлар ва материалларни лозим даражада ўрганмаганлиги оқибатида Жамият тафтиш комиссияси томонидан нотўғри хulosалар берилганлиги;

3.7.3. тафтиш комиссиясининг айrim аъзолари ёки барча аъзолари томонидан мазкур низомнинг 4.3-банди талаблари бажарилмаганлиги;

3.7.4. тафтиш комиссияси аъзоларининг бошқа хатти-харакатлари (харакатсизлиги) Жамиятга салбий оқибатлар олиб келганлиги.

3.8. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони Жамият уставида кўрсатилган микдорнинг ярмидан кам бўлиб қолса, Жамият Кузатув кенгаши тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

Тафтиш комиссиясининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда янги сайланган тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кейинги тафтиш комиссияси сайлангунига қадар амал қиласди.

3.9. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тафтиш комиссиясининг барча аъзолари ёки айrim аъзоларининг ваколатларини

муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласа ва бунинг натижасида тафтиш комиссияси аъзоларининг сони сайланган миқдорнинг ярмидан кам бўлиб қолса, ушбу қарор қабул қилингандан бошлаб уч иш куни ичидаги Кузатув кенгаши тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

#### **IV - бўлим** **Тафтиш комиссиянинг вазифалари ва мажбуриятлари**

4.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиши) тафтиш комиссияси, акциядорлар умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгаши ташаббусига ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Ўз вазифаларини бажариш пайтида тафтиш комиссияси қуидаги ишларни амалга оширади:

4.2.1. Жамиятнинг молиявий-хўжалик ҳужжатларини, мол-мулкини инвентарлаш бўйича комиссиянинг хulosаларини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

4.2.2. Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

4.2.3. юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

4.2.4. молиявий хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ўрнатилган нормативлар, қоидалар ва бошқаларга мувофиқлигини текшириш;

4.2.5. Жамиятнинг молиявий ҳолати, унинг тўловга қобиллиги, активларнинг ликвидлиги, ўз ва қарз маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, Жамиятнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун захираларни аниқлаш ва Жамият бошқарув органларига молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

4.2.6. фойда ва зарар ҳисоблари ва уларнинг тўғри тақсимланишини таҳлил қилиш;

4.2.7. бюджетга тўловлар, облигациялар бўйича фоизлар, маҳсулот етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчиларга, акциялар бўйича дивидендлар ва иш ҳақи ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар сўндирилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганлигини текшириш;

4.2.8. солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органларига топшириладиган Жамият бухгалтерия баланслари, йиллик ҳисбот, фойда ва зарар ҳисоби, фойдани тақсимлаш ва бошқа ҳисбот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш;

4.2.9. бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаққонийлигини, уларнинг Жамият уставига, Жамият Бошқаруви тўғрисидаги низом ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлигини текшириш;

4.2.10. акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўғри келмаган ҳолларда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

4.2.11. Жамиятнинг раҳбарлик қилувчи органларига акциядорлар томонидан киритилган аризалар билан ишлаш ҳолатини текшириш;

4.2.12. Жамият томонидан қимматли қоғозлар бозори ва акциядорлик жамиятларига оид қонунчилик талабларига риоя қилинишини текшириш;

4.2.13. Жамият устави билан тафтиш комиссияси ваколатига кирадиган, шу жумладан, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг топшириги бўйича бошқа ишларни бажариш.

4.3. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

4.3.1. акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Жамият бошқаруви ва бошқарув органлари мажлисларига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини, хulosалар, ёзма ҳисботлар, билдиришномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

4.3.2. Жамиятнинг йиллик ҳисботи ва йиллик бухгалтерия ҳисботидаги маълумотларнинг ишончлилиги бўйича баҳо бериш;

4.3.3. Молиявий ҳолатга таъсир этувчи хавф-хатар ва бошқа вазиятлар олдида Жамиятнинг заифлилиги ва бардошлилигига баҳо бериш;

4.3.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини йил якуни бўйича ёки бошқа давр учун қонунчилик, Жамият устави ва мазкур низомга мувофиқ шахслар ташаббусига кўра тафтиш ўтказиш;

4.3.5. тижорат сирини сақлаш, тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариш жараёнида маҳфий маълумотларга эга бўлганда, ушбу маълумотларни ошкор қилмаслик. Агар тафтиш комиссияси ишига эксперт сифатида тафтиш комиссияси аъзоси бўлмаган шахслар жалб қилинса, улар тижорат сирини сақлаши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилиши керак. Жалб қилинган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари бўйича жавобгарлик текширишга жалб қилган тафтиш комиссияси аъзоларининг зиммасида бўлади;

4.3.6. Жамиятнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан акциядоларнинг аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли чоралар кўриш;

4.3.7. ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда ёки Жамият манфаатларига хавф-хатар пайдо бўлганда, Жамиятнинг бошқарув органлари қарорлари талаб қилинганда навбатдан ташқари Кузатув кенгашининг мажлисларини, акциядорлар умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилиш.

4.4. Текшириш предмети бўлган барча хужжатлар ва материаллар тафтиш комиссияси аъзолари томонидан текширув жараёнида синчиклаб ўрганиб чиқилиши лозим. Тафтиш комиссияси аъзолари нотўғри хulosа берганлиги учун жавобгар бўлади, ушбу жавобгарлик меъёри акциядорлар умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланади.

4.5. Тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиши ва йиғилиш қатнашчиларининг саволларига ўз ваколат доирасида жавоб беришга мажбур.

## V - бўлим

### Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқлари ва ваколатлари

5.1. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқлар (ваколатлар)га эгадир:

5.1.1. Жамиятнинг ҳар қандай молиявий хужжатларини текшириш, шу жумладан, Жамиятнинг инвентаризациялаш бўйича комиссия хужжатларини, кўрсатилган хужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

5.1.2. Жамиятнинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан иш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўровига асосан уч кун ичида тақдим этилиши керак;

5.1.3. тафтиш комиссияси ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳукукий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига таҳдид пайдо бўлган холатларда акциядорлар умумий йиғилишини, Кузатув кенгаши ва Бошқарувни мажлисларини чақиришни талаб қилиш;

5.1.4. Кузатув кенгаши мажлисларини чақиришни талаб қилиш. Кузатув кенгаши раиси тафтиш комиссиясининг талаби бўйича чақирилганда Кузатув кенгаши мажлисини рад этишга ҳақли эмас;

5.1.5. Аъзолари тақлифига кўра Кузатув кенгашининг мажлисларида қатнашиш;

5.1.6. Жамиятнинг амалдаги низомлари, қоидалари ва йўриқномаларини бузган тақдирда Жамиятнинг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига Жамият ходимлари, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

5.1.7. қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига асосан бошқа ҳукуқларга (ваколатларга) ҳам эга.

## 5.2. Тафтиш комиссияси аъзолари:

5.2.1. аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича тафтиш комиссиясининг кечикириб бўлмайдиган қарори талаб этилган тақдирда тафтиш комиссиясининг шошилинч мажлисини чақиришга;

5.2.2. тафтиш комиссияси хulosалари бўйича ўз эътиrozларини ёзма равишда билдириш ва буни акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига ҳавола этишга ҳақли.

# VI - бўлим

## Тафтиш комиссиясининг йиғилишлари.

### Текширув (тафтиш) ўтказиш тартиби

6.1. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал қиласди. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг шошилинч қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда тафтиш комиссияси аъзоси комиссия мажлисини зудлик билан чақиришни талаб қилиши мумкин.

6.2. Тафтиш комиссияси мажлиси агар унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли деб ҳисобланади. Тафтиш комиссияси мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказишга йўл қўйилмайди.

6.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хulosалари мажлисда қатнашаётган тафтиш комиссияси аъзоларининг қўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар teng бўлганда тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаганларида мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

6.4. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибни сайлайди. Тафтиш комиссияси раиси:

- 6.4.1. тафтиш комиссияси мажлисларини чақиради ва ўтказади;
- 6.4.2. тафтиш комиссиясининг кундалик ишини ташкиллаштиради;
- 6.4.3. Бошқарув, Кузатув кенгаши мажлисларида ва акциядорларнинг умумий йиғилишларида тафтиш комиссияси номидан иштирок этади;
- 6.4.4. тафтиш комиссияси номидан чиқиш хужжатларни имзолайди.
- 6.5. Тафтиш комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорга мувофиқ тафтиш комиссияси аъзоларидан бири бажаради.
- 6.6. Тафтиш комиссиясининг котиби:
- 6.6.1. мажлис баённомалари юритилишини ташкиллаштиради;
- 6.6.2. тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хуносаларини олувчиларга етказади ва уларни Жамият архивига топширади.
- 6.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бир йиллик фаолият якупнари бўйича амалга оширилади.
- 6.8. Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритилган ва йиллик бухгалтерия балансида акс эттирилган маълумотлар хаққонийлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи хулоса ҳамда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) бўйича тафтиш комиссияси ҳисботи, Жамиятнинг йиллик ҳисботи дастлаб тасдиқланиши тўғрисидаги Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилишидан уч кун олдин тафтиш комиссияси томонидан Кузатув кенгашига тақдим этилиши лозим.
- 6.9. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш ўтказиш) қуидаги холатларда амалга оширилади:
- 6.9.1. акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан;
- 6.9.2. Кузатув кенгашининг қарорига асосан;
- 6.9.3. Жамиятнинг беш фоизидан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эга акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра;
- 6.9.4. тафтиш комиссиясининг ўз ташаббусига кўра.
- 6.10. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли баённомасини олгандан сўнг текширишни бошлайди.
- 6.11. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан мажлисда қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан, сиртдан овоз бериш ҳолатларида Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарор уни қабул қилиш бўйича овоз берган Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва тафтиш комиссияси раисига юборилади.
- 6.12. Қонунбузилиш ҳолати аниқланган тақдирда тафтиш комиссияси аъзоси тафтиш комиссияси қарорини аниқланган қонунбузилиш ҳолатини таърифлаган ҳолда ёзма равишда тафтиш комиссияси раисига юборади.

Тафтиш комиссияси раиси талабномани олгандан сўнг уч иш қунида тафтиш комиссияси мажлисини чақириши шарт.

Тафтиш комиссияси томонидан текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тафтиш комиссияси раиси текшириш (тафтиш) ўтказишни ташкиллаштиради ва уни ўтказишни бошлайди.

6.13. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги талабни Жамият акциядорлари томонидан киритиш:

6.13.1. Текшириш (тафтиш) ўтказиш бўйича ташаббускор – акциядорлар тафтиш комиссиясига қуидагиларни ўз ичига олган ёзма талабнома юборади:

- акциядорнинг Ф.И.Ш. ёки номи;
- уларга тегишли акциялар ҳақида маълумотни (сони ва тури);
- талабноманинг асосланган далилини.

Талабнома акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Талабнома вакил томонидан имзоланган ҳолларда вакилнинг ишончномаси илова қилиниши шарт.

Агар ташаббус юридик шахс – акциядор томонидан чиқсан бўлса, юридик шахс вакилининг имзоси (юридик шахснинг уставига асосан ишончномасиз ҳаракат қилиш хуқуқига эга бўлган вакил) юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланиши шарт. Агар талабнома юридик шахснинг номидан ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил томонидан имзоланган бўлса, талабномага ишончнома илова қилиниши шарт.

6.13.2. Текшириш (тафтиш) ўтказиш талабномаси тафтиш комиссияси раиси номига Жамият манзили бўйича почта орқали (топширилганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжат билан) ёки Жамият девонхонасига топширилади.

Талабнома тақдим қилинган сана уни Жамиятга топширилган санаси ёки Жамият девонхонасига топширилган санаси ҳисобланади.

6.13.3. Талабнома тақдим қилинган қундан ўн иш куни ичидаги Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида тафтиш комиссиясининг қарори қабул қилиниши ёки тафтиш ўтказилишига рад жавоби берилиши лозим.

6.13.4. Текшириш (тафтиш) ўтказилишига тафтиш комиссиясининг рад жавоби қуидаги ҳолларда берилиши мумкин:

- талабнома тақдим этган акциядор (акциядорлар) талабнома тақдим этилган санада зарур бўлган овоз берувчи акциялар сонига эга бўлмаса;
- талабнома тақдим этилган санада талабнома тақдим этиш ташабbusi билан чиқаётган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинмаган бўлса ёки тегишли акциядорларнинг вакиллик ваколатларига эга бўлмаса;
- талабномада текшириш (тафтиш) ўтказилиши сабаби кўрсатилмаган бўлса;
- текшириш (тафтиш) ўтказилишига асос бўлган фактлар бўйича текшириш (тафтиш) ўтказилган ва тафтиш комиссияси томонидан ушбу ҳолатлар бўйича хulosha тасдиқланган бўлса;
- талабномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган бўлса;
- талабнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва норматив-меъёрий ҳужжатларига ёки Жамият уставига мувофиқ бўлмаса.

6.14. Текшириш предметига тааллуқли барча мавжуд ва олинган ҳужжатлар ҳамда материаллар тафтиш комиссияси томонидан текшириш (тафтиш) ўтказилаётганда ўрганилиб чиқилиши лозим.

6.15. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хulosha тузади, бу хulosada:

6.15.1. Жамият ҳисботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ишонччилиги доир баҳо;

6.15.2. бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Ушбу хulosha акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

6.16. Тафтиш комиссияси томонидан текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) ўтказиш бўйича талабнома тақдим қилган шахслар тафтиш комиссиясини ёзма огоҳлантирган ҳолда ўзлари хоҳлаган пайтда талабномасини чақиртириб олишга ҳақли.

6.17. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгashi мажлисига олиб чиқади.

## **VII - бўлим** **Тафтиш комиссия аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби**

7.1. Тафтиш комиссияси аъзоларига улар томонидан амалга оширилган иш ва тафтиш (текшириш) якуnlари бўйича тақдим этилган ҳисоботлар (хulosалар) учун ҳақ ва мукофот тўланади.

7.2. Тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларига тўланаётган ҳақ миқдорини аниқлаш учун тафтиш комиссияси ишининг натижалари ва тақдим қилинган ҳисоботлари (хulosалари) асос бўлади.

7.3. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бирига ўз вазифаларини бажариб турган даврига ҳар чоракда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баробарига тенг харажатлар компенсацияси тўланади.

7.4. Агар тафтиш комиссиясининг хulosалари ҳар чоракда Кузатув кенгashi киритилмаган бўлса, ҳақ тўланмайди.

7.5. Ушбу Низомда белгиланган компенсациялардан ташқари Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан йил якуни бўйича корпоратив маслаҳатчига корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашнинг қониқарли (ёки юқори) натижаларига эришилганлиги, шунингдек ҳисбот натижаларига кўра жамият фаолиятининг молиявий натижаларини (соф фойда прогноз параметрларини бажарганлиги) шакллантириш учун қўшимча равишда бир марталик мукофот пули тўланиши мумкин.

## **VIII бўлим** **Якуний қоидалар**

8.1. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

8.2. Агар мазкур Низомни бирор қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

8.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Жамият уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.

8.4. Мазкур Низом кучга кирган кундан бошлаб, аввал акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ўзқимёсаноат» АЖ тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.